

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSC.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ИСЛАМБЕКОВА ШАХИДА АНВАРОВНА

**СЕПТИК ЭНДОКАРДИТ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БЕМОРЛАРДА
СУНЬИЙ ҚОН АЙЛАНИШ ШАРОИТИДА ҚОННИНГ
УЛЬТРАФИЛЬТРАЦИЯСИ**

14.00.34 – Юрак - қон томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Исламбекова Шахида Анваровна

Септик эндокардит билан хасталанган беморларда сунъий қон айланиш шароитида қоннинг ультрафилтрацияси.....3

Исламбекова Шахида Анваровна

Ультрафилтрация қони во время искусственного кровообращения у больных с септическим эндокардитом.....21

Islambekova Shahida Anvarovna

Blood ultrafiltration during cardiopulmonary bypass in patients with septic endocarditis39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....41

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSC.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ИСЛАМБЕКОВА ШАХИДА АНВАРОВНА

**СЕПТИК ЭНДОКАРДИТ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БЕМОРЛАРДА
СУНЬИЙ ҚОН АЙЛАНИШ ШАРОИТИДА ҚОННИНГ
УЛЬТРАФИЛЬТРАЦИЯСИ**

14.00.34 – Юрак - қон томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Tib524 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алиев Шерзод Махмудович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Асамов Равшан Эркинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мансуров Аброл Амирджанович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» _____ соат _____ мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли кўчаси, 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин (114- сон билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли кўчаси, 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.В. Девятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Замонавий тиббиётнинг ютуқларига қарамай, "эндокардит муаммоси ҳозирги вақтгача ўз долзарблигини йўқотгани йўқ, хаттоки иқтисодий ривожланган мамлакатларда ҳам эндокардит касаллиги 3-4 барабар кўпайиб, ҳар 100 минг аҳолига 2-11 та ҳолатни ташкил қилмоқда"¹. Септик эндокардит (СЭ) нафақат оғир клиник кечиши билан, балки ўлим даражаси юқорилиги билан ҳам ажралиб туради. СЭ барча асоратлари орасида "буйрак етишмовчилиги 5% дан 50% ни ташкил қилиб, юрак етишмовчилигидан кейинги иккинчи ўринда туради"². Сунъий қон айланиш (СҚА) шароитида, юрак клапанларини жарроҳлик йўли билан даволашдан сўнг, 40% дан кўпроқ беморларда буйрак функциясининг бузилиш ҳолатлари кузатилади. Улардан 1-4% беморларда, операциядан кейинги даврда, буйракни ўрнини босувчи терапияни (гемодиализни) ўтказиш зарурати туғилади. СЭ касаллиги нажасида вужудга келувчи буйракнинг ўткир шикастланиши кўп ҳолатларда диффуз гломерулонефрит ва геморрагик васкулит кўринишида кечиб, қонда кўп миқдорда циркуляция қилувчи иммун комплекслар пайдо бўлиши билан характерланади. Ўткир буйрак етишмовчилиги юзага келиш ҳавфи тромбоцитопенияда, стафилакоккли эндокардитда ва юрак сунъий клапанларининг инфекцияли эндокардитида юқори бўлади. "СЭ билан касалланган беморларнинг дастлабки оғир клиник ҳолати СҚА жараёнини ҳавфсиз ўтказиш учун операция даврида керакли чора-тадбирлар қўллашни талаб қилади, чунки СҚА жараёнида ривожланувчи тизимли яллиғланиш реакцияси, операциядан кейинги даврда кўплаб асоратларни юзага келишига ва шунингдек буйрак функциясини бузилишига сабаб бўлади"³. Ушбу ҳолатда СҚА жараёнини такомиллаштириш учун, қон ультрафилтрацияси (УФ) усулларини танлаш ва мутлоқ кўрсатмаларга аниқлик киритиш долзарб масала ҳисобланиб, ўткир буйрак шикастланишини олдини олишга ёрдам беради.

Жаҳон амалиётида, ҳозирги вақтда, ўткир буйрак шикастланишини эрта ташҳислашга ёрдам берувчи ва буйрак каналчаларида ҳосил бўлувчи янги маркерларга (цистатин-С, КИМ-1, L-FABP - жигарнинг ёғ кислотасини боғловчи оқсил, интерлейкин-18) бағишланган илмий изланишлар долзарб масала бўлиб қолмоқда. Юрак ишемик касаллиги мавжуд бўлган беморларда, операциядан кейинги даврда, касалликни клиник кечишига УФ усулларини ижобий таъсирини ўрганувчи илмий изланишлар катта қизиқиш ўйғотмоқда. Ҳозирги вақтда, СҚА жараёнида қўлланилувчи УФ усулларини туғма юрак нуқсонлари мавжуд бўлган болаларнинг ҳаётини муҳим орган ва тизимлар

¹ Желтовский Ю.В. Григорьев Е.Г. Инфекционный эндокардит клапанов сердца. //Сибирский медицинский журнал. Иркутск. 2017. №6. С.138-144.

² Ortiz-Soriano V, Donaldson K, Du G, Li Y, Lambert J, Cleland D, Thornton A, Fanucchi LC, Huaman MA, Neyra JA. Incidence and Cost of Acute Kidney Injury in Hospitalized Patients with Infective Endocarditis. J Clin Med. 2019 Jun 27; 8(7):927. doi: 10.3390/jcm8070927. PMID: 31252690; PMCID: PMC6678671.

³ Байжигитов Н. Б., Кулиббет М. Б., Мереке А. А., Сауранбаева Б. К., Бойко Ю. Н., Аманов Д. Н., Саржанов Г.Ж. Роль модифицированной ультрафилтрации в уменьшении системных проявлений воспаления в кардиохирургии. Вестник КазНМУ. №1 2017г. С.295-297

функциясига (гемодинамика, юракнинг қисқариш функцияси, ўпка вентилляцияси, мия қон оқими, операциядан кейинги қон йўқотиш) таъсири кенг ўрганилмоқда.

Айни вақтда, мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш ва тиббий ёрдам турларини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда, хусусан, СЭ касаллигига чалинган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилашда ижобий натижаларга эришилди. Шу билан бирга, кўрсатилатган тиббий ёрдам сифатини ошириш учун СҚА жараёнида қўлланилувчи қон УФСИ усулларининг самарадорлигини тасдиқловчи ва операциядан кейинги асоратларни камайишига УФ таъсирини баҳолаш учун далилларга асосланган натижалар талаб қилинади. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган”⁴. Шунга мувофиқ, СҚА жараёнида қон УФСИ усулларидан фойдаланилган ҳолда СЭ касаллигига чалинган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилаш илмий тадқиқотнинг долзарб йўналишлардан бири бўлиб хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 декабрдаги ПФ-5590-сон "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон "Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2018 йил 26 январдаги ПҚ-3494-сонли "Шошинч тиббий ёрдам тизимини тезкор такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бир қатор тадқиқотлар натижаларига кўра, УФСИ қон зардобидаги ўсимта некрозининг альфа омилини (ЎНО- α), миелопероксидазани ва брадикинин концентрациясини камайтиради⁵. УФСИ вақтида қондаги эндоген пирогенларнинг, масалан,

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йил «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. ЎЗР Қонун Ҳужжатлари тўплами.

⁵ Al-Osail AM, Al-Zahrani IM, Al-Abdulwahab AA, Alhajri SM, Al-Osail EM, Al-Hwiesh AK, Al-Muhanna FA. Successful treatment of acute renal failure secondary to complicated infective endocarditis by peritoneal dialysis: a case report. BMC Res Notes. 2017 Sep 7; 10(1):463. doi: 10.1186/s13104-017-2773-8. PMID: 28882165; PMCID: PMC5590162.

интерлейкин-1, интерлейкин-6 ва интерлейкин-8 ларнинг концентрацияси пасаяди ⁶. Бироқ, УФ нинг иммунитет тизимига салбий таъсири, бу интерлейкин-10 нинг камайишидадир. Интерлейкин-10 яллиғланиш реакциясини кўзгатувчи омилларни, яъни ЎНО-α ва интерлейкин-8 ларни ажралиб чиқишини ингибирлаш хусусиятига эга. “Шунинг учун УФ нафақат кераксиз яллиғланиш цитокинларини чиқариб ташлашга, балки ҳимояловчи яллиғланишга қарши субстратларнинг чиқиб кетишига ҳам сабаб бўлиши мумкин”⁷. Кўпгина тадқиқотлар, УФ қондаги гемоглобин ва гематокритнинг миқдорини кўпайишига ва гемостаз тизимининг коагуляция омилларининг меъёрига келишини тасдиқлайди. Свирко Ю.С. ва бошқалар (2018)⁸, УФ ни гемостаз тизимига таъсирини баҳолаб, гемоконцентрациядан сўнг тромбоцитларнинг функционал фаоллиги пасайишини, фаоллашган ивиш вақти ва фаоллашган қисман тромбопластин вақти қисқаришини, аммо антитромбин-III фаоллиги ошишини, фибринолитик фаоллик ва фибриноген миқдорини пасайишини кузатишган. Zhou G. ва бошқалар (2018)⁹, туғма юрак нуқсонли бемор болаларни жарроҳлик усулида даволашда комбинирланган УФ нинг клиник таъсирини ўрганиб, ташрихдан кейинги эрта даврда мувозанатли УФ ва модифицирланган УФ (МУФ) ни биргаликда қўллаш оддий УФни МУФ билан қўллашга нисбатан ўпка функциясининг бироз яхшиланишига боғлиқ деган хулосага келишган, аммо гуруҳлар асосий клиник натижалари бўйича фарқ қилмаган.

Бироқ, адабиётларда оддий УФ нинг буйрак функциясига ижобий таъсири тўғрисида қарама-қарши фикрлар мавжуд. Масалан, T.Paugh ва бошқалар (2015)¹⁰, 6407 беморда оддий УФ вақтида ажралиб чиқарилган суюқлик миқдорини СҚА дан кейин ўткир буйрак шикастланиши хавфи ўртасидаги боғлиқликни ўрганиб, катта ҳажмдаги суюқликни олиб ташлаш ўткир буйрак етишмовчилигига олиб келишини таъкидлашган. T.Zhang ва бошқалар (2017)¹¹, тадқиқотларида оддий УФ ва МУФ ни биргаликда қўллаш туғма юрак нуқсонли бемор болаларнинг ўпка вентилляциясига ва гемодинамик ўзгаришларига самарали таъсирини кўрсатди. Siraphop Thapmongkola ва бошқа бир қатор муаллифлар (2015)¹², туғма юрак нуқсонли

⁶ Papadopoulos N, Bakhtiar F, Grün V, et al. The effect of normovolemic modified ultrafiltration on inflammatory mediators, endotoxins, terminal complement complexes and clinical outcome in high-risk cardiac surgery patients. *Perfusion*. 2018;28(4):306-14. doi:10.1177/0267659113478450.

⁷ Durandy Y. Minimizing systemic inflammation during cardiopulmonary bypass in the pediatric population. *Artif Organs*. 2017 Jan; 38(1):11-8. PMID: 24392866

⁸ Свирко, Ю.С. Особенности функциональной активности тромбоцитов и антиагрегационной активности эндотелия в условиях использования кровесберегающих методик у кардиохирургических пациентов с ИБС // Патология кровообращения и кардиохирургия. - 2018. - № 4. -С. 50-53.

⁹ Zhou G, Feng Z, Xiong H, Duan W, Jin Z. A combined ultrafiltration strategy during pediatric cardiac surgery: a prospective, randomized, controlled study with clinical outcomes. *J Cardiothorac Vasc Anesth*. 2018 Oct;27(5):897-902. doi: 10.1053/j.jvca.2018.01.006.

¹⁰ Paugh TA, Dickinson TA, Martin JR et al. Impact of Ultrafiltration on Kidney Injury After Cardiac Surgery: The Michigan Experience. *Ann Thorac Surg*. 2015 Nov;100(5):1683-8. doi: 10.1016/j.athoracsur.2015.04.120.

¹¹ T Zhang, SL Jiang, CQ Gao, J Luo, L Ma, JC Li Effect of subzero-balanced ultrafiltration on lung gas exchange capacity after cardiopulmonary bypass in adult patients with heart valve disease. *Heart surgery forum*, 2017, 14(1), E227 | added to CENTRAL: 31 October 2017 | Issue 4 PubMed

¹² Siraphop Thapmongkola, Patarabutr Masaratanab, Thaworn Subtaweessinc, Jarun Sayasathida, Kanthachat Thatsakorna, Jule Namchaisiri. The effects of modified ultrafiltration on clinical outcomes of adult and pediatric

коррекция қилингандан сўнг, МУФ болаларнинг юрак-қон томир тизимиغا самарали таъсир кўрсатишини намойиш қилдилар. Бу беморларда МУФ тахикардияни камайишига, юрак индексининг ошишига ва ўпка томирларининг қаршилигини пасайишига олиб келган.

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, туғма ва ортирилган юрак нуқсонлари бўлган беморларда СҚА жараёнида УФ усулларини қўллаш натижаларининг сезиларли ютуқларига қарамай септик эндокардит билан хасталанган ва буйрак функцияси бузилган беморларда касалликни клиник кечишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш; операциядан кейинги асоратларни олдини олиш учун СҚА даврида УФ усулларини танлаш; операциядан кейинги даврда УФ ни касалликни клиник кечишига таъсирини баҳолаш; СҚА жараёнининг анъанавий ва УФ қўлланиши билан боғлиқ бўлган даволаш усулларининг самарадорлигини башорат қилиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти “Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази” Давлат муассасаси илмий-тадқиқот режаларининг “Юрак клапанлари нуқсонлари ва болаларда туғма нуқсонлар хирургиясида реконструктив-қайта тиклаш амалиётларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш” мавзусидаги АДСС-15.3.4 амалий дастури (2015-2017 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади септик эндокардит билан хасталанган беморларда, сунъий қон айланиш шароитида, қон ультрафилтрацияси усулларини қўллаш орқали жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

операциядан кейинги даврда септик эндокардитнинг клиник кечишига қон ультрафилтрациясининг таъсирини баҳолаш;

септик эндокардит билан хасталанган беморларда қон ультрафилтрацияси қўлланилганда кислота-ишқор мувозанатини тикловчи имкониятларни аниқлаш;

септик эндокардит билан хасталанган беморларда, операция давридаги ва операциядан кейинги патофизиологик ўзгаришларни олдини олиш учун, қон ультрафилтрация усулларини қўллашнинг тактик алгоритминини ишлаб чиқиш;

сунъий қон айланиш шароитида анъанавий ва қон ультрафилтрацияси қўлланилган жарроҳлик даволаш усуллари самарадорлигини қиёсий жиҳатда аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» давлат муассасасида 2011-2019 йиллар давомида септик эндокардит билан хирургик даволанган 108 нафар беморлар натижалари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети клиник, инструментал ва лаборатория текширув натижаларини ҳисобга олган ҳолда, буйрак шикастланиши билан кечувчи СЭ касаллиги бўлган беморларда УФ усулларидан фойдаланиш самарадорлигини қиёсий баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги усуллардан: умумий клиник, лаборатория натижалари, инструментал (ультратовуш, рентгенологик) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўткир буйрак етишмовчилигини башорат қилувчи кўрсаткичлар аниқланди ва шу асосда сунъий қон айланиш шароитида септик эндокардитни жарроҳлик усулида даволашдаги асоратларнинг башорати ва клиник кечишининг оғирлик даражасини баҳоловчи математик модел ишлаб чиқилган;

сунъий қон айланиш жараёнида қўлланиладиган мувозанатли ультрафилтрация, қоннинг кислота-ишқор мувозанатини компенсацион механизми барқарорлигини таъминлаши, шунингдек, септик эндокардит билан хасталанган беморларда юрак жарроҳлик операцияларидан кейин буйраклар функцияси бузилишини олдини олиши аниқланган;

буйракнинг ўткир шикастланиш хавфини юзага келиши, сунъий қон айланиш жараёнининг давомийлигига ва гипертермияни динамик ошиш даражасига тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқлиги исботланган;

мувозанатланган ультрафилтрациядан узоқ муддатли сунъий қон айланиш жараёнида (>120 дақиқа), дастлабки гломеруляр филтрация даражаси паст бўлганда (<60 мл/дақиқа), протеинурияда (>30 мг) ва чап қоринча диастолик ҳажми юқори бўлган ҳолатларда (>200 мл) фойдаланиш кераклиги аниқланган;

септик эндокардит билан хасталанган беморларда буйрак дисфункциясининг клиник ва лаборатор ўзгаришлари намоён бўлганда, сунъий қон айланиш жараёнида гипертермик реперфузия амалиётини ўтказиш керак эмаслиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сунъий қон айланиш шароитида септик эндокардит касаллигини хирургик даволаш натижаларини прогностик баҳолаш учун тавсия этилган математик моделни қўллаш кераклиги аниқланди ва бу операция даврида ва операциядан кейинги даврда юзага келиши мумкин бўлган асоратлар хавфини аниқлашга имкон берган;

гиперкалемия ва қонни кислота-ишқор мувозанатининг метаболик бузилиши мавжуд бўлса, сунъий қон айланиш жараёнида кристаллоид эритмалардан (Рингер, Рингер-Локк ва физиологик натрий хлорид эритмаси) фойдаланган ҳолда, қонни мувозанатли ультрафилтрациясини қўллаш кераклиги аниқланган;

буйрак шикастланиши билан асоратланган, дастлабки гломеруляр филтрация даражаси паст ва ўрта даража оғирликдаги анемия билан кечувчи септик эндокардит касаллигида, юракнинг икки ёки уч клапанли протезлаш

операциясини бажариш режалаштирилганда қўлланилувчи қон ультрафилтрация усулини танлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

операция ва операциядан кейинги даврда беморларда юзага келувчи патологик ўзгаришлар ҳолатларини камайтириш мақсадида, септик эндокардит билан хасталанган беморларда, сунъий қон айланиш жараёнида қўлланилувчи ультрафилтрация усуллари профилактика ва даволаш самарадорлиги асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги диагностика ва даволаш усуллари маълумотлари бўйича СЭ билан касалланган беморларнинг ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари билан тасдиқланган; услубий ёндашувлар ва статистик таҳлил тўпламларини тўғри қўллаш билан ташхислаш ва даволаш усуллари маълумотларига кўра асослаб берилган. Тадқиқот етарли клиник материал асосида олиб борилган. Диссертацияда кўриб чиқилган муаммоларни ҳал қилиш усуллари, СЭ билан касалланган беморларни ташхислаш ва жарроҳлик даволашда замонавий, илмий ва амалий ёндашуви ва ғояларга асосланган. Олинган натижалар тиббий статистиканинг тасдиқланган усуллари ёрдамида таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, олинган маълумотларнинг назарий аҳамиятга эга эканлигида ва бу буйрак дисфункцияси билан асоратланган септик эндокардитни клиник кечишини ўзига хос хусусиятларини баҳолаш ва қон ультрафилтрациясини қўллашнинг аниқ кўрсатмаларига асосланиб, оптимал усулини танлаш билан белгиланади.

Илмий ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, септик эндокардит билан хасталанган ва буйрак шикастланиши билан асоратланган беморларни, жарроҳлик даволашнинг сунъий қон айланиш жараёнида қўлланилувчи қон ультрафилтрация усуллари самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш асосида жарроҳлик даволаш натижаларини башорат қилувчи математик модел тadbиқ қилинди. Шунингдек қон ультрафилтрациясини оптимал усулини танлашга ёрдам берувчи алгоритм яратилди ва бу эса операция ва операциядан кейинги даврда юзага келиши мумкин бўлган патологик ўзгаришлар частотасини камайтиришга имкон берди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Септик эндокардит билан хасталанган беморларни жарроҳлик йўли билан даволашда қон ультрафилтрациясини қўллаш самарадорлигини баҳолаш ва илмий тадқиқот натижалари асосида:

"Юрак жарроҳлигида сунъий қон айланиш шароитида қон ультрафилтрацияси усулини танлаш" услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 19 октябрдаги 8н-з/121-сонли маълумотномаси). Ишлаб чиқилган тавсиялар септик эндокардит билан хасталанган беморларни жарроҳлик йўли билан даволашда, сунъий қон айланиш натижаларини яхшилаш имконини берган;

"Септик эндокардит билан касалланган беморларда сунъий қон айланиш жараёнида қонни ультрафилтрация усулини танлаш учун дастур" ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 19 октябрдаги 8н-з/121-

сонли маълумотномаси). Тақдим этилган дастур, буйрак дисфункцияси билан асоратланган, септик эндокардит билан хасталанган беморларда сунъий қон айланиш жараёнини тактик жиҳатларини такомиллаштиришга имкон берган;

“Сунъий қон айланиш шароитида, орттирилган юрак нуқсони билан касалланган беморларни хирургик даволашда, касалликни оғирлик даражасини баҳолаш ва асоратларни башорат қилиш учун дастур” ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 19 октябрдаги 8н-з/121-сон маълумотномаси). Тақдим этилган дастур, септик эндокардит билан хасталанган беморда, операциядан кейин юзага келишиши мумкин бўлган буйрак дисфункцияси асоратларини олдиндан башорат қилиш имконини берган;

септик эндокардит билан хасталанган беморларни жарроҳлик йўли билан даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, «Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий хирургия тиббиёт маркази» давлат муассасасининг сунъий қон айланиш бўлимида амалиётга жорий қилинди, шунингдек, Наманган вилоят кардиология маркази юрак-қон томир хирургияси бўлими ва Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг кардиохирургия бўлимида (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 19 октябрдаги 8н-з/121-сон маълумотномаси) тадбиқ этилди. Таклиф этилган тавсиялар сунъий қон айланиш жараёнини такомиллаштириш ва септик эндокардит билан касалланган беморларда операциядан кейинги даврда юзага келувчи асоратлар ҳавфини камайтириб, жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 6 та илмий ва амалий конференцияларда, шу жумладан 5 та халқаро ва 1 та республика конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, жумладан 5 та мақола улардан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация матни материалининг ҳажми 117 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги асосланган, ишнинг мақсади, вазифалари шакллантирилган, илмий янгилиги ва натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти баён қилинган, иш натижаларининг апробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертация тузилиши ва ҳажми тўғрисидаги маълумот келтирилган.

Диссертациянинг «Септик эндокардит билан касалланган беморларни, сунъий қон айланиш шароитида хирургик даволашдаги асоратлар профилактикаси», деб номланган биринчи бобида, операциядан кейинги асоратларни камайтириш мақсадида СҚА шароитида УФ усулларини қўллаш билан боғлиқ бир қатор мунозарали муаммолари бўлган, буйрак дисфункцияси мавжуд булган беморларда СЭ нинг клиник кечиши бўйича илмий маълумотларни таҳлил қилиш, танқидий баҳолаш, умумлаштириш ва тизимлаштириш ишлари олиб борилди.

Диссертациянинг «Материалнинг клиник хусусиятлари ва амалий тадқиқот усуллари», деб номланган иккинчи бобида клиник материал ва ишлатилган тадқиқот усуллари тавсифланган. Диссертация иши «Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий хирургия тиббиёт маркази» ДМ да, 2011-2019 йиллар давомида септик эндокардит билан госпитализация қилинган 108 нафар беморларни СҚА шароитида хирургик даволаш натижаларига асосланган. СЭ билан касалланган беморларнинг 64 (60%) нафари эркак жинсига мансуб бўлиб, касаллик 53-62 ёшли эркакларда энг кўп кузатилган. СЭ нинг иккиламчи шакли 70% дан кўпроқ беморларда қайд этилган, улардан 65% ревматик юрак порогидан кейин юзага келган. Беморларнинг ўртача ёши $42,3 \pm 11,32$ ни ташкил қилган.

СЭ клиник кечишини ўрганиш учун беморлар икки гуруҳга бўлинди: буйрак дисфункцияси мавжуд I гуруҳ ($n=43$) ва буйрак фаолияти ўзгармаган қиёсий II гуруҳ ($n=65$). СҚА асоратларини камайтириш мақсадида қон УФ усуллари қўлланилди ва асосий УФ гуруҳ ($n=24$) ва қиёсий гуруҳларга ($n=84$) тақсимланди. УФ усулларини самаралироғини танлаш мақсадида: мувозанатли УФ гуруҳи ($n=8$) ва оддий УФ гуруҳи ($n=16$) қиёсий баҳоланди. Гуруҳлар ўртасида операциядан олдин антропометрик кўрсаткичлар ва сурункали юрак етишмовчилиги таснифи бўйича (NYHA), статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар аниқланмади.

ЭхоКГ ёрдамида, чап қоринчанинг(ЧҚ) якуний систолик (ЯСЎ) ва якуний диастолик ўлчамларини (ЯДЎ), якуний диастолик (ЯДХ) ва якуний систолик ҳажмларини (ЯСХ), чап қоринча қисқартириш фракциясини (ҚФ) қоринчалараро тўсиқ қалинлигини ва ҳаракатланиши, чап қоринча орқа деворининг ўлчами, чап бўлмача ўлчами ва чап бўлмача ва чап қоринча ўртасидаги тешикнинг майдони ва клапан регургитация даражаси аниқланган. Операциядан олдин СЭ билан касалланган беморларнинг буйрак фаолияти KDIGO (Kidney Disease Improving Global Outcomes, 2013) ва оғирлик даражаси RIFLE (Risk, Injury, Failure, Loss of kidney function and end-stage kidney disease) таснифларига кўра баҳоланди. Буйракларнинг ГФТ <60 мл/мин/1,73м², биохимик қон таҳлили ўзгаришлари (азотемия), пешоб синдроми (протеинурия >30 мг, лейкоцитурия, гематурия), ҳамда ультратовуш текширув бўйича патологик ўзгаришлар буйрак зарарланишининг асосий мезонлари сифатида кўрилди. Операциядан кейинги даврда буйрак функцияси ўзгаришини оғирлик даражаси AKIN(Acute Kidney Injury Network, 2005) таснифига кўра баҳоланди.

Сунъий қон айланиш жараёни “Sarns Terumo”(АҚШ) аппарати ва «Skipper-Euroset» (Италия), «Medtronic» (АҚШ), «Dideco D 903 Compactflo» (Италия), «Cariox» (Япония), «Medos» (Германия) турдаги оксигенаторлар ёрдамида амалга оширилди. Қон УФ ўтказиш учун «DNF 06» гемоконцентраторлар 65мл ҳажмдаги (мембрана тешикчалар диаметри 20кДа) ва «HPH-700 hemocor» (мембрана тешикчалар диаметри 65000Да) ва қонни кислота-ишқор мувозанатини ва электролитлар балансини текшириш учун ABL-735, «Radiometer» (Дания) аппарати қўлланилди.

Диссертациянинг «**Буйрак функцияси бузилиши билан кечувчи септик эндокардит касаллигининг клиник хусусиятлари**», деб номланган учинчи бобида касаллик клиник кечишининг ўзига хос хусусиятлари баҳоланди. СЭ касаллигини кўзгатувчиси асосан грамм-мусбат кокклар бўлиб I-буйрак дисфункция гуруҳида 10 (23,2%) нафар бемордан 8 (85,7%) тасида ва II-қиёсий гуруҳида 18 (27,7%) нафар бемордан 14 (78%) тасида аниқланди. Инфекция, юрак клапанлари атрофидаги тўқималарга тарқалиши, уларнинг қисман емирилиши ва клапан фиброз қисмида абсцесслар (7-15%) юзага келиши билан кечган. Гуруҳлардаги 78% беморлар сурункали юрак етишмовчилигининг III функционал синфига (NYHA) мансуб бўлган.

I гуруҳдаги беморларда юрак ритми бузилиши (мерцал аритмия, Гисс тутами блокадаси) кўпроқ кузатилган. Чап қоринча гипертрофияси бўйича гуруҳлар фарқ қилмаган ($p>0,05$). Ўпка гипертензиясининг II даражаси 23 (53,4%) нафар, гепатомегалия 20 (47%) нафар, асцит 6(14%) нафар I гуруҳдаги беморларда кузатилган.

I гуруҳдаги беморларда операциядан олдин енгил даражадаги анемия (I гр.: $118,1\pm 22,3$ г/л; II гр.: $129,4\pm 17,2$ г/л; $p=0,007$), тромбоцитопения 14 (32,5%) нафар беморда кузатилган ($\chi^2=6,543$; $p=0,011$). Операциядан олдин 40 (37,3%) нафар беморларнинг қон зардобидида мочевина, креатинин миқдори ошиши ва пешоб синдроми (лейкоцитурия, протеинурия, микрогематурия) кузатилган. Гематурия I гуруҳдаги беморларнинг 10 (23,2%) нафарида аниқланган ($\chi^2=6,824$; $p=0,009$). Операциядан кейин протеинурия гуруҳлардаги беморларда ошган (I гр.: 28 (65,1%) ва II гр.: 41(63%); $\chi^2=0,047$; $p=0,829$) ва операциядан олдинги кўрсаткичларидан ишончли фарқ қилган ($t=2,86$; $t=2,09$ при $p<0,05$). Операциядан олдин СЭ билан касалланган беморларда ($n=108$) сурункали буйрак касаллигининг I босқичи (ГФТ <90 мл/мин/ $1,73\text{м}^2$), I гуруҳдаги 25(23,1%) нафар беморларда ва II босқичи (ГФТ <60 мл/мин/ $1,73\text{м}^2$), 9 (21%) нафар беморда аниқланган. I гуруҳдаги беморларда ЯДХ ($225,5\pm 77,7$ мл; $p=0,01$) юқори ва ташлама фракцияси ($58,7\pm 8,1\%$) нисбатан пастроқ булиб, ишончли даражада қиёсий гуруҳдан фарқ қилган ($p=0,04$). Операциядан кейин қондаги креатинин миқдори I гуруҳда 9 (21%) нафар ва II гуруҳда 2(3%) нафар беморда 120 мкмоль/л дан юқори булган ($\chi^2=7,17$; $p=0,008$). Қондаги креатинин миқдорини кўпайиши операциядан 48 соатдан кейин кузатилган. ГФТ гуруҳлар ўртасида қиёсий баҳоланганда, унинг кўрсаткичи 60мл/мин/ $1,73\text{м}^2$ дан кам бўлиши асосан I гуруҳдаги беморларда кузатилган ($\chi^2=12,22$ $p<0,001$). Бир нафар I

гуруҳдаги беморда қонда креатинин миқдори кўтарилиши ва ГФТ 30мл/мин/1,73м² га камайиши аниқланган. Операциядан кейин гуруҳларда эмболик асоратлар (бош мия қон айланишининг ўткир бузилиши, чап томонлама гемисимптоматика кўринишида ва ўпка артериясининг тромбоемболияси) кузатилган. Ўлим кўрсаткичи бўйича гуруҳларда ишончли фарқ аниқланмади (I гр.: 2 (4,6%) ва II гр.: 1 (2%), $\chi^2=0,134$; $p=0,715$).

Диссертациянинг «Септик эндокардит билан касалланган беморларни сунъий қон айланиш шароитида хирургик даволашда қон ультрафилтрациясини ўтказиш самарадорлиги», деб номланган тўртинчи бобида СҚА шароитида ўтказилган УФ усуллари СЭ касаллигининг операциядан кейинги клиник кечишига таъсири баҳоланди. Гуруҳларда СҚА давомийлиги, ҳарорати ва миокард ишемиясининг вақти бўйича қиёсий таққослаганда ишончли фарқ аниқланмади. Шу билан бирга, гуруҳларда митрал клапанни протезлаш (МКП) ва митро-аортал клапанни протезлаш (МАКП) операцияси бўйича ишончли фарқ аниқланмаган, аммо аортал клапанни протезлаш (АКП) операцияси УФ гуруҳида кўпроқ фарқ қилган ($p<0,05$) (1-жадвал).

1-жадвал



Гуруҳларда септик эндокардитни хирургик даволаш турлари

Кўрсаткичлар	УФ гуруҳи (n=24)		Қиёсий гуруҳ (n=84)		t=1,98 $\chi^2(3,87)$	P
	М	s	М	s		
СҚА вақти (дақиқа)	87,2	32,5	80,0	36,3	0,92	0,361
Аорта ишемия вақти (дақиқа)	66,3	29,9	60,4	23,5	0,88	0,383
СҚА ўтказиш ҳарорати (°C)	32,4	1,19	32,4	1,0	0,21	0,834
МКП	11	46%	37	44%	0,024	0,877
МКП ва ТК пластикаси	1	4%	23	27%	4,55*	0,033
АКП	8	35%	4	5%	12,67*	<0,001
МАКП	1	4%	9	11%	0,333	0,565
МАКП ва ТК пластикаси	1	4%	5	6%	0,028	0,867
Юрак клапанлари пластикаси, ҚАТД тикиш/пластикаси,	2	8%	6	7%	0,06	0,807

Изоҳ: ҚАТД - қоринчаларо тўсиқ дефекти, ТК-трикуспидал клапан. * Йетсинг Хи-квадрат мезони.



УФ гуруҳидаги беморларда ўрта даража оғирликдаги анемия борлигига қарамадан, СҚА жараёнидан кейин гемоглобин ва гематокрит миқдори кўтарилган (1-расм А, Б). Операция вақтида ва операциядан кейин қўлланилган қон препаратлари гуруҳларда ишончли фарқ қилмаган (430,2±215,5мл; $p=0,36$). Аммо, янги музлатилган плазма УФ гуруҳида қиёсий гуруҳга нисбатан кўпроқ қўлланилган (513±292,5мл; $p=0,01$). Бунга сабаб, УФ гуруҳида тромбоцитопения кўпроқ кузатилиши ва тромбоцитлар адгезия

хусусияти бузилиши билан боғлиқ. Бу ҳолат операция даврида гемостазни бузилишига ва плазма препаратини кўпроқ қўлланилишига олиб келган. Калий ионларининг ўртача кўрсаткичи УФ гуруҳида ($4,7 \pm 0,56$ ммол/л) қиёсий гуруҳга нисбатан СҚА дан кейин ишончли пасайган ($5,2 \pm 0,54$ ммол/л $p=0,004$). Бунга сабаб УФ жараёнида калий ионларининг гемоконцентратор мембранасидан элеминация қилинишидадир. Қондаги глюкоза ва лактат миқдорининг динамикаси таҳлил қилинганда СҚА сўнг ишончли фарк аниқланмади (УФ гуруҳ лактат: $1,50 \pm 0,74$ ммол /л; қиёсий гуруҳ: $1,58 \pm 0,73$ ммол /л; $p= 0,65$).



1-расм. Периоперацион даврда гуруҳлардаги гемоглобин - Нб (А) ва гематокритни – Нт (Б) динамикада ўзгариши.

Буйрак ГФТ нинг 59-30 мл/мин/1,73м² га пасайиши операциядан олдин УФ гуруҳида 3 (12%) нафар, қиёсий гуруҳда 6 (7%) нафар беморларда кузатилди. Операциядан бир кундан кейин ГФТ 60мл/мин/1,73м² дан паст бўлган беморларнинг сони камаяди ва гуруҳларда ГФТ қисман тикланиши кузатилди. Операциядан кейин иккинчи ва учинчи кунда тескари жараён, яъни УФ гуруҳидаги буйраклар фаолиятининг вақт ўтиши билан яхшиланиши кузатилган қиёсий гуруҳида эса ГФТ пасайиб, буйрак функцияси ёмонлашиб борган (2, А, Б-расмлар).



2-расм. Периоперацион даврда ГФТ динамикаси А) УФ гуруҳи (n=24) ва Б) в қиёсий гуруҳ (n=84).

Операциядан олдин протеинурия (60-500мг/л) УФ гуруҳида 13 (55,1%) нафар беморда ва қиёсий гуруҳида 31 (37%) нафар беморларда аниқланди. Операциядан сўнг протеинурия УФ гуруҳида 10 (42%) нафар беморларда кузатилган. Ундан фарқли равишда қиёсий гуруҳда динамикада протеинурия ошган ва 59 (70,2%) нафар беморларда операциядан кейин аниқланган ($\chi^2=10,05; p=0,002$). Мувозанатли УФ, оддий УФ усули билан таққослаганда протеинурия 62,5% дан 12,5% гача камайган ва гематурия белгилари операциядан сўнг камайган ($t=4,17; p<0,05$).

Кислота-ишқор мувозанатининг (КИМ) бузилиши артериал қон намунасидаги учта кўрсаткични - рН, плазма бикарбонат концентрацияси (HCO_3^-) ва pCO_2 таҳлил қилиш асосида аниқланди. Анестезия индукциясидан сўнг, беморларнинг қон таҳлили, тўлиқ компенсацияланган сурункали нафас алкалози мавжудлигини кўрсатди. СҚА жараёнида рН кўрсаткичи алкалоз томонига ўзгариши ҳисобига КИМ тўлиқ компенсациядан қисман

компенсация ҳолатига ўтган. Аммо, УФ гуруҳида КИМ тўлиқ компенсация ҳолатида қолган. Плазманинг анионли интервал (ПАИ) кўрсаткичи гуруҳлар ўртасида таққослаганда, 12 мг-экв/л дан юқори ҳолатлар СҚА дан кейин УФ гуруҳида 29% (7) дан 12,5% (3) гача, қиёсий гуруҳда 20,2% (17) дан 8,3% (7) гача пасайиши кузатилган. ПАИ кўрсаткичининг кўтарилиши, кўпинча лактат-ацидоз билан боғлиқ бўлиб, бу қонда органик анионларни ошиб кетиши ёки буйрак дисфункцияси билан боғлиқдир. Қонда анионлар фарқининг кўпайиши, бикарбонатларни пасайишига олиб келади. Бизнинг тадқиқотимизда бикарбонатларни пасайиши СҚА дан кейин УФ гуруҳида 16(66,7%) нафар беморда ва қиёсий гуруҳда 67(79,7%) нафар беморда кузатилди ($\chi^2=1,79$; $p>0,05$). ПАИ нормал кўрсаткичлари СҚА дан кейин УФ гуруҳида 14 (58,3%) нафардан 17(70,8%) нафар беморга ошган, қиёсий гуруҳда 63(75%) нафардан 55 (65.4%) нафар беморга камайган, аммо гуруҳлар ўзаро ишончли фарқ қилмаган ($p>0,05$). ПАИ нормал кўрсаткичи компенсацияланган гиперхлоремик ацидозда кузатилади. ПАИ ни паст кўрсаткичлари УФ гуруҳида, СҚА дан кейин деярли ўзгармаган 3 (12,5%), қиёсий гуруҳда бу кўрсаткич 4 (4,76%) нафардан 22 (20,1%) нафар беморда ошган. ПАИ ни паст кўрсаткичи (3мг-экв/л дан кам) асосан гипоальбуминемия билан боғлиқ бўлиб, бу операциядан кейинги қон йўқотиш, буйрак ва жигар дисфункцияси сабабли юзага келади.

Операциядан олдин, чап қоринча ремоделланиши, хусусан чап қоринча эксцентрик гипертрофияси УФ гуруҳида - 14 (58,3%), қиёсий гуруҳда - 44 (52,3%) нафар беморларда аниқланди. Чап қоринча деворининг концентрик гипертрофияси эса УФ гр., - 9 (37,5%), қиёсий гр., - 29 (34,5%) нафар беморларда кузатилди. СЭ билан касалланган беморларда, СҚА шароитида ўтказилган УФ натижасида чап қоринча ЯДХ ($204,9\pm 86,2$ мл дан $152,1\pm 54,9$ мл) ва ЯСХ ($82,4\pm 43,3$ мл дан $76,6\pm 37,4$ мл гача) камайди, ва шу билан бирга юракнинг чап қоринча ўлчамларининг редукцияси (ЯСЎ: $4,5\pm 0,87$ мм дан $3,5\pm 0,66$ мм гача) кузатилди. Операциядан кейинги эрта даврда юракнинг зарб ҳажми $122,7\pm 30,9$ мл дан $75,4\pm 26,0$ мл гача пасайган, бу хирургик даволанишдан кейин митрал ва аортал клапанлардаги регургитацияни бартараф қилиниши билан боғлиқ. Юракнинг зарб ҳажмини пасайиши чап қоринча қон хайдаш фракциясини (КХФ) $60,5\pm 6,8\%$ дан $51,3\pm 9,7\%$ гача ва чап қоринча қисқартириш фракциясини $34,3\pm 5,1\%$ дан $27\pm 5,4\%$ гача пасайиши билан кечган. Шунга ўхшаш ҳолат қиёсий гуруҳ беморларда ҳам кузатилган ($p>0,05$) (2-жадвал қаранг).

Операциядан кейинги эрта даврда, СЭ билан касалланган беморларни чап қоринчасининг КХФ гуруҳларда (УФ гр.,-8(33,3%), қиёсий гр.,-27(32,1%)) пасайган ($p<0,05$). Чап оринча КХФ 40% дан кам бўлган ҳолатлар гуруҳларда операциядан кейин ишончли фарқ қилмаган (УФ гр.,-2(8,3%), қиёсий гр.,-3(3,57%) $\chi^2=0,959$; $p>0,05$). Хулоса қилиб айтганда, чап қоринча қисқариш функцияси унинг таркибий ва функционал фаолиятининг кўрсаткичларига боғлиқ бўлган.

Юрак чап қоринчаси таркибий ва функционал кўрсаткичларини қиёсий таҳлили


Кўрсаткичлар	Давр	УФ гуруҳ (n=24)	Қиёсий гуруҳ (n = 84)	T-мезон (1,98)	p
ЯДХ (56-170)мл	о/о	204,9±86,2	219,3±78,0	0,60	>0,05
	о/к	152,1±54,9	160,8±49,9	0,57	>0,05
ЯСХ (19-80) мл	о/о	82,4±43,2	96,3±42,5	1,12	>0,05
	о/к	76,6±37,4	80,0±34,3	0,32	>0,05
ЗХ(37-55) мл	о/о	122,0±45,7	123,1±39,4	0,09	>0,05
	о/к	75,4±26,0	80,8±23,2	0,76	>0,05
ЯДЎ(3,9-5,9) см	о/о	5,82±0,88	6,46±0,89	2,51	<0,05
	о/к	5,03±0,72	5,5±0,70	2,53	<0,05
ЯСЎ (2,8-4,0)см	о/о	3,84±0,71	4,48±0,78	3,03	<0,05
	о/к	3,72±0,69	4,0±0,66	1,72	>0,05
ҚХФ Симпсон усули(55-70)%	о/о	60,5±6,82	57,0±7,07	1,75	>0,05
	о/к	51,3±9,79	50,7±8,99	0,22	>0,05
ҚФ(25-45) %	о/о	30,3±5,12	30,8±5,20	1,32	>0,05
	о/к	27,9±5,48	28,0±4,69	0,46	>0,05

Изох: о/о –операциядан олдин, о/к- операциядан кейин

СЭ билан касалланган беморларни сунъий қон айланиш шароитида хирургик даволанишдан кейинги юзага келиши мумкин бўлган ўткир буйрак етишмовчилигининг(ЎБЕ) ривожланиш хавфини келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш мақсадида корреляция ва кўп регрессион таҳлил ўтказилди. ЎБЕ регрессия таҳлилининг “боғлиқ” ўзгарувчиси (Z2) сифатида қабул қилинди. Тадқиқот натижаларига кўра, УФ усули қўлланилмаган СЭ беморларда ностандарт регрессия коэффициенти 0,266529 ни ташкил этди. Бу шуни англатадики, ҳароратнинг ҳар бир даражага кўтарилиши (37°C) дан ЎБЕ юзага келиш хавфини 0,266529 гача оширади. СҚА давомийлигини ҳар дақиқага ошиши ЎБЕ хавфини 0,00815 (t=3.91; p=0.0005; 95% ИИ:0.004-0.012). УФ қўлланилган СЭ беморларда операциядан кейинги эрта даврда Нечипоренко пешоб таҳлиliga асосан, лейкоцитлар сонининг кўпайиши ЎБЕ хавфини 0.000154 га оширади (t=11.54; p<0.0001). Натижада, асосий ва назорат гуруҳлари учун якуний формулалар қуйидагилар эди:

- 1) $Z2(O) = -0,2563 + 0,0297 * X_{18} + 0,0001 * X_{24}$ (УФ гуруҳи)
- 2) $Z2(K) = -9,1181 + 0,2665 * X_7 + 0,0082 * X_9$ (қиёсий гуруҳ)

Бу ерда, Z2- ўткир буйрак етишмовчилиги, X18 – қондаги мочевина миқдори (ммоль/л), X24- лейкоцитлар Нечипоренко пешоб таҳлили, X7 – СҚА жараёнида бемор тана ҳарорати (°C), X9 – СҚА давомийлиги (дақиқа). Ҳисоблаш натижалари балларда баҳоланди: 0 - буйрак шикастланишининг белгилари йўқ, 1 ва ундан ортиқ - буйрак шикастланишининг белгилари мавжуд. Олинган натижаларга асосланиб, СҚА жараёнида УФ усулларини қўллаш алгоритми яратилди (3-расмга қаранг).



3-расм. Септик эндокардит билан касалланган беморларда, сунъий қон айланиш шароитида қон ультрафилтрация усуллари танлаш алгоритми.

СБК- сурункали буйрак касалликлари, ЯМП- янги музлатилган плазма, ЧБ- чап булмача, ЎБ- ўнг булмача, ЎҚ- ўнг қоринча, ЎА- ўпка артерияси

Шундай қилиб, буйрак шикастланиши билан асоратланган, септик эндокардит билан хасталанган беморларда сунъий қон айланиш жараёнида қўлланиладиган мувозанатли қон ультрафилтрацияси натижасида тана сув мувозанатини, гемостаз тизимини бузилишини, электролитлар баланси ва кислота-ишқор мувозанатини тиклаш ва қоннинг коллоид-осмотик босимини яхшилаш орқали тўқималар шишини камайтиришга имкон туғилди. Буйракларнинг филтрлаш функциясини яхшиланиши эса ўткир буйрак етишмовчилиги юзага келишини олдини олди.

ХУЛОСА

1. СЭ билан касалланган беморларда УФ қоннинг кислород-транспорт функциясини яхшилайти ва операциядан кейин қон препаратларини қўллаш заруратини камайтиради ($p=0,01$), аммо янги музлатилган плазмадан фойдаланишни оширади ($t=2,66$; $p=0,013$).

2. УФ буйрак фаолиятини дисфункциясининг кучайишини олдини олади, СЭ билан касалланган беморларда протеинурияни камайтиради ($\chi^2=10,05$ при $p=0,002$), ГФТ яхшилайти ($t=2,12$; $p=0,04$). Мувозанатланган УФ оддий УФ нисбатан гематурияни камайтиради ва пешоб ажралишини меъёрлаштиради ($t=4,17$; $p<0,05$).

3. СЭ билан касалланган беморларда СҚА шароитида мувозанатли УФ қоннинг кислота-ишқор мувозанатини компенсатор механизмини таъминлайди ($t=3,16$; $p=0,005$). Гиперкалиемик кардиоплегия қўлланилганда калий ионлар балансини тартибга солади ($t=2,64$; $p=0,004$).

4. Операция жараёнидаги ва операциядан кейинги даврда патологик ўзгаришларни олдини олиш мақсадида, СЭ билан касалланган беморларда УФ усулларини қўллашнинг тактик алгоритми, СҚА жараёнида УФ қўллашга абсолют кўрсатмаларни аниқлашга ва суюқлик балансини ва диурезни бошқаришга имкон беради.

5. СЭ билан касалланган беморларни СҚА шароитида, хирургик даволашдан кейинги асоратларнинг оғирлик даражасини прогнозлаш учун тадбиқ этилган математик модел ўткир буйрак шикастланишига сабаб бўлиши мумкин бўлган қуйидаги предикторларни аниқлашга имкон берди: СҚА жараёнида, тана ҳароратининг нормадан (37°C) ҳар бир бирликга кўтарилиши, буйракнинг шикастланиш хавфини 0,27 га оширади ($t=4,48$; $p<0,05$), СҚА вақтининг ҳар бир дақиқага ортиб бориши буйрак шикастланиш хавфини 0,008 га оширади ($t=3,91$; $p=0,0005$).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01
ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ
ИМЕНИ АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ХИРУРГИИ ИМЕНИ
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА**

ИСЛАМБЕКОВА ШАХИДА АНВАРОВНА

**УЛЬТРАФИЛЬТРАЦИЯ КРОВИ ВО ВРЕМЯ ИСКУССТВЕННОГО
КРОВООБРАЩЕНИЯ У БОЛЬНЫХ С СЕПТИЧЕСКИМ
ЭНДОКАРДИТОМ**

14.00.34 – Сердечно-сосудистая хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ-2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.1.PhD/Tib524.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.rscs.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Алиев Шерзод Махмудович доктор медицинских наук
Официальные оппоненты:	Асамов Равшан Эркинович доктор медицинских наук, профессор Мансуров Аброл Амирджанович доктор медицинских наук
Ведущая организация:	Андижанский государственный медицинский институт

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2020 г. в _____ часов на заседании Научного Совета DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова и Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули,10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирована за №114). Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2020 года).

Ф.Г. Назиров
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

А.В. Девятов
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Несмотря на достижения современной медицины, «проблема эндокардита не утратила своей актуальности, а заболеваемость увеличилась в 3-4 раза даже в экономически развитых странах, достигая 2-11 случаев на 100 тысяч населения»¹. Развитие септической формы эндокардита (СЭ) отличается не только тяжелым течением, но и повышенной смертностью. Среди всех осложнений СЭ «частота почечной недостаточности составляет от 5% до 50%, занимая второе место после сердечной недостаточности»². После хирургической коррекции клапанов сердца в условиях искусственного кровообращения (ИК), нарушение функции почек возникают у более 40% больных. Из них 1-4% пациентов нуждаются в почечно-заместительной терапии в раннем послеоперационном периоде. Острое поражение почек (ОПП) при СЭ часто имеет иммунные механизмы развития в виде сочетания диффузного гломерулонефрита с геморрагическим васкулитом, высоким уровнем циркулирующих иммунных комплексов. Риск почечной недостаточности выше при тромбоцитопении, стафилококковом инфекционном эндокардите и инфекционном эндокардите искусственных клапанов. «Исходная тяжесть состояния больных СЭ диктует необходимость поиска решений проведения ИК в щадящем режиме, так как вызываемая им системная воспалительная реакция способствует развитию множества побочных осложнений в послеоперационном периоде, усугубляя дисфункцию почек»³. На этом фоне актуальным вопросом остается оптимизация ИК путём выбора способа ультрафильтрации крови (УФ) и конкретизация абсолютных показаний применения данного метода для предотвращения ОПП.

В мировой практике в настоящее время наиболее актуальными продолжают оставаться исследования по выявлению новых маркеров раннего почечного повреждения, которые представляют собой соединения, экспрессирующиеся в канальцевом аппарате почек (цистатин-С, КИМ-1, L-ФАВР-жировой кислотный связывающий белок печени, интерлейкин-18). Особый интерес продолжают вызывать исследования по влиянию методов УФ крови на послеоперационное клиническое течение больных с ишемической болезнью сердца. В настоящее время достаточно широко изучается эффективность способов УФ крови во время ИК, её воздействие на функцию жизненно-важных органов и систем у детей с врожденными пороками сердца (гемодинамика, сократительная функция сердца, вентиляция легких, мозговой кровотоков, послеоперационная кровопотеря).

¹ Желтовский Ю.В. Григорьев Е.Г. Инфекционный эндокардит клапанов сердца. //Сибирский медицинский журнал. Иркутск. 2017. №6. С.138-144.

² Ortiz-Soriano V, Donaldson K, Du G, Li Y, Lambert J, Cleland D, Thornton A, Fanucchi LC, Huaman MA, Neyra JA. Incidence and Cost of Acute Kidney Injury in Hospitalized Patients with Infective Endocarditis. J Clin Med. 2019 Jun 27;8(7):927. doi: 10.3390/jcm8070927. PMID: 31252690; PMCID: PMC6678671.

³ Байжигитов Н. Б., Кулиббет М. Б., Мереке А. А., Сауранбаева Б. К., Бойко Ю. Н., Аманов Д. Н., Саржанов Г. Ж. Роль модифицированной ультрафильтрации в уменьшении системных проявлений воспаления в кардиохирургии. Вестник КазНМУ. №1 2017г. С.295-297.

В настоящее время в нашей стране предприняты масштабные целевые меры по коренному улучшению качества и существенному расширению диапазона оказываемой населению медицинской помощи. В этом направлении, в частности, в улучшении результатов хирургического лечения больных с СЭ достигнуты положительные результаты. Вместе с тем для улучшения качества оказываемой помощи требуются научно-обоснованные результаты по оценке эффективности способов УФ крови во время ИК и его влияние на снижение частоты послеоперационных осложнений. В стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017 - 2021 годы» поставлены задачи по развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи уязвимым категориям населения для обеспечения их полноценной жизнедеятельности⁴. В соответствии с этим, улучшение результатов хирургического лечения СЭ путём применения способов ультрафильтрации крови во время искусственного кровообращения является одним из актуальных направлений для исследования.

